

Отанг сени уришаётган бўлса...



17:00 / 11.06.2022 2958

Отанг сени уришаётган бўлса, билгинки, у сени асло ёмон кўрмайди.

Отанг сени тергаб сенга босим ўтказаётган бўлса, билгинки, у сенга яхшиликни хоҳлаяпти.

Отангни сукут қилиб хаёлга берилганини кўрсанг, демак у сени келажагинг ҳақида бош қотиряпти.

Отанг сенга пулни ҳисоблаб бериб, сенга нисбатан тежамкорлик услубини қўллаётган бўлса, билгинки, ўзини ўша пулдан маҳрум қилаётган бўлади.

Отанг сенга термулиб хўрсинса, билгинки, бу маъюслик сабаби фақат сенсан.

Отанг сенга термулиб табссум қилса, билгинки, унинг шодлигига сабабчи сенсан.

Отанг сенга нисбатан қўполлик қилаётган бўлса, демак, сен уни насиҳатига амал қилмаётган экансан.

Отанг агар эшигини сенинг юзинга қаттиқ ёпиб олса, билгинки, унинг аҳволи оғир, эҳтимол сенинг қилмишларинг сабабидан қалбдан, эзилиб йиғлаётгандир.

Отанга овозингни кўтариб гапираётганигда, билгинки, сен уни ўлдиряпсан, ўлдиряпсан, ўлдиряпсан...

Ўзингни бир ташландиқ, одамларнинг эътиборидан четда қолган ҳолда кўраётган бўлсанг, билгинки, отанг сендан ғазабда экан.

Отангни тўшакда гапирмасдан, қимир этмасдан ётганини кўрсанг, билгинки, ҳаётингдаги катта суянчиқлардан бирини йўқотибсан, хотиралар ҳам тўлдиролмайдиган бўшлиқни қўлга киритибсан, ота деб чақириш неъматидан маҳрум бўлибсан. Чунки отанг сени энди эшитмайди. Ҳали шундай кун келадими, отангнинг танбеҳларига, койишларига, бақиришларига зор бўласан. Ҳатто урушиб сўкишларини ҳам қўмсайсан. Шу даражада соғинч ҳисси сени қийнайдики, қани эди отам бўлсалару бир тарсаки туширсалар, деб орзу қиласан. Чунки бу пайтда сен отангнинг урушиб, сўкишлари, танбеҳу койишлари сенинг фойданг учун бўлганини англаб етган бўласан. Ҳаётлик чоғида саломатлигини бой берадиган даражада сен учун жон куйдирганини тушуниб етган бўласан. Отангдан сўнг ҳеч бир инсон сен ҳақингда у каби қайғурмаслигини ҳис қилган бўласан. Унга қанчалар зулм қилган бўлсанг ҳам у сени яхши кўришда давом этаверганини, шунда ҳам сени ўзидан афзал инсон бўлишингни қаттиқ хоҳлаганини тушуниб етган бўласан. Қанийди отам билан бир марта учрашсаму қилган хатоларимга, зулмларимга узр сўрасам, сиз орзу қилган яхши инсон бўламан, отажон, - деб умид қиласан, аммо бу ўшалмас орзу-умиддир.

Арабчадан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади